Ушбу сонда:
2 ИШ ЎРНИ ҚАЙТА ТИКЛАНДИ
3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИДА
4 МУЗЕЙЛАР ТАРИХИМИЗ КЎЗГУСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
UZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 11 феврал, жума № 25 (1866)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ*

## Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

***Қайд этилсинки, кейинги йилларда коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш, уй-жой фондидан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш тизимига бозор механизмларини жорий этиш бўйича зарур қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база яратилди, уй-жой мулкдорлари билан коммунал хизмат кўрсатувчилар ўртасида шартномавий муносабатлар мустаҳкамланмоқда.***

Шу билан бирга уй-жой мулкдорлари ширкатларини ташкил қилиш жараёни ва уларнинг фаолияти юзаки олиб борилмоқда, амалда тасодифий кишилар ихтиёрига бериб қўйилган, кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш ва уларни сақлаш ниҳоятда қониқарсиз аҳволда, кўрсатилган коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг тўлов интизоми ҳамон пастлигича қолмоқда.

Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда хизмат кўрсатувчи эксплуатация ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг шаҳарлар - вилоят марказларида, Тошкент шаҳри туманларида, шунингдек аҳолиси 60 минг кишидан ошадиган, кўп хонадонли уйларга эга бўлган шаҳарларда Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг уюшмаларини (бундан буён матнда УМШ Уюшмалари деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, ташкил этиладиган УМШ Уюшмаларининг муассислари таркибига уй-жой мулкдорларининг ширкатлари (бундан буён матнда - УМШ деб юритилади), коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг таъмирлаш-қайта тиклаш, авария хизматлари, шунингдек тегишли ҳудудлардаги кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш ва таъмирлаш билан шуғулланувчи бошқа пудрат ташкилотлари кирадилар.

2. Қуйидагилар УМШ Уюшмаларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

уй-жойлар ҳамда уйлар яқин атрофидаги ҳудудларни техникавий ва санитария жиҳатдан яхши ҳолатда сақлаш, уй-жой фондини куз-қиш фаслига тайёрлаш ва ундан фойдаланиш масалаларида УМШнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

уй-жой фондининг техникавий ҳолатини сақлаш, уй-жойларни капитал ва жорий таъмирлаш, шунингдек авария-қайта тиклаш ишларини ўтказиш масалалари бўйича УМШнинг эксплуатация, авария-таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш корхонлари билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш;

УМШнинг моддий-техника ресурслари ва сифатли уй-жой коммунал хизматларига бўлган талаб-эҳтиёжларини қондирадиган тўлақонли бозор инфратузилмасини ташкил қилишга кўмаклашиш;

УМШнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш;

уй-жой мулкдорлари ширкатларининг кадрлари ҳамда раҳбарларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш, қурилиш индустрияси масалалари бўйича ахборот-таҳлил департаменти, «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги, Адлия вазирлиги бир ой муддатда УМШ шаҳар ва туман Уюшмаларининг Намунавий Низомини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Қуйидагилар тасдиқлансин:

шаҳар, туман Уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасининг намунавий ташкилий тузилмаси ва бошқарув аппарати тузилмаси;

(Давоми 3-бетда)

## МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКДАН ДУНЁВИЙ ХАВФСИЗЛИК САРИ

***Тошкентда Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича минтақавий экспертлар гуруҳининг (МЭГ) навбатдаги йиғилиши якунланди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида ана шу учрашув натижаларига бағишлаб матбуот анжумани ўтказилди. Унда мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш таклифи биринчи бор мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан БМТ Бош ассамблеясининг 1993 йилда ўтган 48-сессиясида илгари сурилган эди. 1997 йил 15-17 сентябр кунлари Тошкентда ўтган «Марказий Осиё - ядро қуролидан холи ҳудуд» халқаро анжумани шартномани тузиш ва ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштиришга йўл очди. МЭГнинг 2002 йил 27 сентябрда Самарқанд шаҳрида ўтган йиғилишида эса қатнашчилар мазкур ҳужжатнинг дастлабки матни юзасидан ўзаро келишувга эришди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, БМТ шафелигида ўтказилган Тошкент учрашуви самарали якунланди. Унда иштирок этган Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон ташқи сиёсат маҳкамалари вакиллари Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартнома лойиҳаси матнини тасдиқлади. Унда Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ), БМТнинг Ҳуқуқий масалалар бўйича бошқармаси тавсияси ҳамда ядро қуролига эга 5 мамлакат - АҚШ, Буюк Британия, Россия, Франция ва Хитой билдирган таклифлар ўз ифодасини топди.

Томонлар Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш бўйича Тошкент баёнотини қабул қилди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Иброҳим Мавлонов ва БМТнинг Осиё ва Тинч океани минтақасида тинчлик ва қуролсизланиш масалалари бўйича минтақавий маркази директори Цутому Ишигури мазкур шартнома матнининг тасдиқланиши тарихий аҳамиятга молик воқеа эканини алоҳида таъкидлади. Ушбу ҳужжат нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки бутун жаҳонда ядровий хавфсизликни таъминлашга муҳим ҳисса қўшади.

Шартнома Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов ғоясининг амалий натижасидир. У минтақамизда тинчликни мустаҳкамлаш ва оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олишда, пировардида, дунёда ялпи ядровий хавфсизликни таъминлаш йўлидаги ғоят муҳим қадамдир.

(ЎзА)

## ТОЖИКИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

**Тожикистон Республикаси Бош вазири Оқил Оқилов 10 феврал куни амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.**

Икки мамлакат ўртасида ҳукумат делегациялари иштирокида музокара ўтказиб, келаси йилдаги ҳамкорлик бўйича фикрлашиб олиш яхши анъанага айланган. Мана шундай мулоқотларда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг музокараларида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Бош вазири Оқил Оқиловнинг яккама-якка суҳбатида асосий эътибор мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалаларига қаратилди. 2004 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми аввалги йилдагига нисбатан 27 фоиз ўсгани, бу кўрсаткични янада ошириш имкониятлари кўплиги, икки томонлама муносабатларнинг президентлар томонидан қўйилган пойдевори мустаҳкам эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон ва Тожикистон икки томонлама муносабатларни ривожлантириб бориш баробарида МДҲ, ШҲТ, МОҲТ каби минтақавий тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Кенгайтирилган тартибдаги музокарада ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик мавзуи марказий ўринни эгаллади. Хусусан, томонлар минерал ўғитлар, табиий газ ва ёқилғи-мойлаш материалларини етказиб бериш, сув-энергетика захираларидан фойдаланиш, шунингдек, транзитга оид масалаларни муҳокама қилди.

Икки мамлакат ўртасида 2005 йилда юк ташиш бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар ва Тожикистон Республикасининг Ўзбекистонга давлат қарзини қайтариши ҳамда 2005 йил феврал - 2006 йил апрел ойлари давомида сув ва энергетика захираларидан унумли фойдаланиш соҳасида ҳамкорликка доир ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

(ЎзА)



Юртимизда кадрлар тайёрлаш ҳамда мактаб таълимини ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларида белгиланган вазифалар изчил амалга оширилмоқда. Бу эса таълим тизимини такомиллашиб боришига хизмат қилаётир.

Пойтахтимизда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги касб-ҳунарга йўналтириш ва профилли меҳнат таълими Республика ихтисослаштирилган лицейида айни пайтда 115 нафар ўқитувчи 1125 нафар талабага давлат таълим стандартлари асосида муайян ихтисосликлар бўйича билим бериб, уларни турли касбларга йўналтирмоқда.

Таъкидлаш керакки, мазкур лицейда ўқувчиларнинг пухта билим эгаллашлари учун барча шарт-шароит яратилган. Хусусан, замонавий компютерлар билан жиҳозланган хоналар, ўқув лабораториялари, тикув, дурадгорлик, машина тузатиш устахоналари бу ерда таълим олаётган йигит-қизлар ихтиёрида.

***Суратларда: зардўзлик фани ўқитувчиси Зилола Шораҳмедова ўқувчилар даврасида; 10-синф ўқувчиси Гулноза Орифжонова.***

**С.ЎРМОНОВ**

**(ЎзА) олган суратлар**



## КУРАШИМИЗ ДОВРУҒИ

### Буюк Британиянинг Ситтингборн шаҳрида Ислом Каримов турнири ниҳоясига етди

***Ўзбек кураши дунё халқларининг севимли спорт турига айланди. Бугун кунда 80 дан ортиқ мамлакатда Кураш Федерациялари фаолият кўрсатмоқда***

***Миллий курашимизнинг жаҳонга юз тутишида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг хизматлари беқиёс. Халқаро Кураш Ассоциацияси ҳамда Буюк Британия Кураш Ассоциацияси ҳамкорликда 1999 йилдан буён «Ислом Каримов» халқаро турнирини ўтказиб келмоқда.***

2005 йилдаги энг нуфузли мусобақалардан бири саналмиш бу турнирда дунёнинг 10 дан ортиқ мамлакатларидан ташриф буюрган 100 дан зиёд полвонлар ғолиблик учун гиламга тушдилар. Бу галги мусобақаларда барча ёш ва вазн тоифаларида — кичкинтойлардан тортиб ўсмирлар, ёшлар, қизлар, катталар ҳамда фахрийларгача иштирок этди.

Турнирнинг очилиш маросими тантанали кўриниш олди. Унда иштирок этган ўзбек санъаткорларининг чиқишлари мухлисларда катта таассурот қолдирди. Турнир доирасида Комил Юсуповнинг «Кураш қоидалари тактикаси ва техникаси» номли китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Мусобақаларни кичик ёшдаги полвонлар бошлаб берди. Гиламга тушган болакайлар курашимизнинг гўзал усулларга бой эканлигини намойиш этдилар. Ёшлар ўртасидаги баҳслар, кутилганидек, ўта муросасиз кўриниш олди. Юртимиз вакиллари муносиб иштирок этиб, 9 та олтин, 3 та кумуш ва 1 та бронза медалларига сазовор бўладилар. Машҳур мураббий Омон Тоймуродов ҳамда Алишер Тилаковларнинг шогирди Олим Равшанов 66 килограмм вазнда ёшлар ўртасида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган бўлса, катталар баҳсида иккинчи бўлди.

-Мусобақалар давомида хорижлик тенгқурларимизнинг кураш билан жиддий шуғулланаётганига амин бўлдим, - дейди Олим Равшанов. — Бу эса кейинги турнирлар янада муросасиз кечишидан далолат беради.

Турнирнинг катталар ўртасидаги баҳсида Буюк Британиялик Жек Вебга ютқазиб қўйганлигим ҳам фикримни исботлаб турибди. Очиғи, Жекнинг курашимизни анча яхши ўзлаштириб олганидан хурсандман. Умуман, туманли диёрда курашимизни ўзгача меҳр билан севишлари мени лол этди.

(Давоми 4-бетда)

*Ўзбекистон касаба уюшмалари қурултойдан-қурултойгача*

***Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг касаба уюшмаларининг ҳам фаолияти тубдан ўзгарди. Эндиликда мазкур жамоа ташкилоти жамиятимизни ва унда юз бераётган ислоҳотларни амалга оширувчи куч сифатида шаклланаётганлиги диққатга сазовордир. Марказий қўмитамиз ўтган беш йил давомида ўз фаолиятини республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг олдимизга қўйган вазифалари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг Ҳаракат Дастури ҳамда III-Қурултойда билдирилган таклиф, танқидий фикр ҳамда мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда ташкил этди.***

## ВАҚТ ЭНГ ЯХШИ ҲАКАМ

Меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий негизини шакллантириш, тенг ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш, меҳнат бозоридаги жараёнларни тартибга солиш ва меҳнат муҳофазаси каби ўта муҳим вазифалар юзасидан кўпгина ишлар амалга оширилди. Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда дам олишларини ташкил этиш, касаба уюшма ташкилотларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошларини ўз вақтида берилишини назорат этиш, жисмоний тарбия ва спорт, маънавий-маърифий ишлар ҳам асосий диққат-эътиборимизда бўлди. Шунингдек, кейинги вақтда ҳукуматимиз томонидан автотранспорт ва йўл соҳасига қилинаётган эътибор тармоқ меҳнаткашларини эртанги кунга бўлган ишончини оширди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Марказий қўмитамиз ўз иш фаолиятининг асоси сифатида ижтимоий шерикчилик тамойилини танлади. Буни давлат, иш берувчилар ва меҳнаткашлар манфаатларини таъминлашга қаратилган ижтимоий меҳнат муносабатларининг фақатгина бозор иқтисодиётига хос алоҳида бир тури дея таърифлаш мумкин. Ижтимоий шерикчиликни уч томонлама ривожлантириш - ҳукумат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида амалий ҳамкорликни кучайтириш борасида Республика автомобил ва дарё транспорти агентлиги, «Ўзавтойўл» акциядорлик компанияси, «Ўзтранссаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси билан барча ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан келишувлар тузилган. Уларнинг бажарилиши эса қатъий назоратга олинган.

2000 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлар тармоқ касаба уюшма вакилликлари ҳар йили ижтимоий масалалар юзасидан 27 та тармоқ келишувларини тузишяпти. Шуниси ҳам диққатга сазоворки, тармоғимизда нодавлат секторида ишлаётганлар билан ишлаш кенг йўлга қўйилмоқда. Айни вақтда автомобил ва дарё транспорти агентлигида республикамиз бўйича 60 мингдан зиёд шахсий ташувчилар рўйхатга олинган. Биз улар билан ишлашни яхшилаш борасида барча чораларни кўряпмиз. Яна бир аҳамиятга молик масала шундаки, мулк шакли ўзгараётган бир вақтда янги аъзоларни жалб этиш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинди. Ўтган беш йил давомида сафимизга 30 дан зиёд ташкилотлар қўшилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Уларда ишловчи 2 мингдан зиёд меҳнаткашлар эндиликда касаба уюшма аъзоларига бериладиган имтиёзлардан баҳраманд бўлишади.

(Давоми 2-бетда)

## САВОБ ИШНИ ҲАР КУН ҚИЛИШ КЕРАК

***Кармана туманидаги «Кармана-Ором» корхонаси Навоий вилояти ногиронлар жамиятига ўтган йили икки миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатди.***

- Инсон саломатлиги ҳамма нарсадан муҳим. Кўмак маблағимизнинг асосий қисми ногиронларни даволашга ва эҳтиёжмандларнинг корига яраганидан хурсандмиз, - дейди корхона раҳбари Багир Фармонов. - Бу йил жамиятга ўтган йилгидан икки ҳисса кўп ҳомийлик ёрдами кўрсатишни ният қилганмиз.

Корхонада нон ва нон маҳсулотлари, минерал сув ишлаб чиқарилади. Бу ерда бунёд этилаётган тиббий диагностика маркази Наврўз байрами арафасида ишга тушади. Марказ корхонага ўз ҳомийлик фаолиятини янада кенгайтириш имконини беради.

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

***Инсон саломатлиги - бебаҳо бойлик. Шунинг учун ҳам касаба уюшмалари меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар содир бўлишининг олдини олишни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири деб билади. Бу борада Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бир қатор ишларни амалга оширмоқдалар.***

## СУД ҚАРОРИ бўлишига қарамай

Меҳнат жамоаларида иш берувчилар билан алоқаларнинг яхшиланиши натижасида йилдан-йилга меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун ажратилаётган пул маблағларини кўпайтиришга эришилмоқда. 2003 йилда бу тадбир учун сарфланган маблағ ҳар бир ишчи-хизматчи учун 2900 сўмдан тўғри келган бўлса, ўтган йили бу рақам 3500 сўмга етди. Ишни режа асосида ташкил қилиш, меҳнат жамоаларида тарғибот-назорат ишларини намунали йўлга қўйиш натижасида ишлаб чиқариш билан боғлиқ тан жароҳатлари олиш сезиларли даражада камайди. Ўтган йили бахтсиз ҳодиса туфайли жароҳатланган ходимлар учун иш берувчилар томонидан 21 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бугунги кунда вилоятдаги кўпгина ташкилот, корхона, муассасалар раҳбарлари ишчи-хизматчиларга қулай ва хатарсиз иш шароитлари яратиб беришга жиддий ёндошмоқдалар. Айниқса, «Урганчгазузатиш» шўъба корхонаси, «Хоразмгазтаъминот», Урганч экскаватор таъмирлаш заводи, «Хивакарпет» қўшма корхонаси каби ташкилотлар бу борада кўпчилика ибрат кўрсатишяпти.

Лекин шунга қарамай иш берувчилар айби билан содир бўлган бахтсиз ҳодисалар туфайли етказилган зарарни тўлашда кўплаб ноқонунийликка йўл қўйиляпти. Масалан, суд қарори бўлишига қарамасдан урганчлик М.Бобожонов деярли бир йилдан буён пенсия жамғармасидан товон пулини ололмай овораю сарсон. «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ комиссия шикастланган кишилар ёки боқувчисини йўқотган оила аъзолари билан учрашиб, зарарни ундириш ҳуқуқи тўғрисида тушунтириш ишлари ўтказиши керак эди. Лекин Шовот туманидаги «Хоразм» ширкат хўжалиги тракторчиси Қ.Султонов ўтган йилнинг сентябр ойида бахтсиз ҳодиса туфайли бевақт ҳаётдан кўз юмган бўлишига қарамай комиссия на унинг уйида бўлган, на тушунтириш олиб борган. Натижада иш берувчи бу оилага бир йўла тўланиши керак бўлган пулнинг фақат чорак қисминигина тўлаган, холос.

Шу боис фуқаролар бу тўғрида касаба уюшмаларига кўплаб мурожаат қилишмоқда. Касабақўм аралашуви билан ўтган йилнинг ўзида Урганч қурилиш материаллари заводидан 356 минг, «Чесон» хусусий фирмасидан 440 минг, Янгибозор туманидаги «Хоразм» ширкат хўжалигидан салкам 725 минг, «Қишлоқ қурилиш комбинати» ҳиссадорлик жамиятидан 536 минг, Шовот туманидаги Беруний ширкат хўжалигидан 74 минг 935 сўм товон пули ундириб берилди.

**Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

# Ўзбекистон касаба уюшмалари қурултойдан-қурултойгача

## ВАҚТ ЭНГ ЯХШИ ҲАКАМ

(Боши 1-бетда)

Шу ўринда Тошкент вилояти тармоқ касаба уюшма вакиллигининг шахсий ташувчиларини касаба уюшма аъзолигига жалб этиш бўйича ижобий ишлари яхши натижа бераётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Фақатгина 2003 - 2004 йилларда вилоят касаба уюшма вакиллигига 6 та ташувчилар уюшмалари қўшилишди. Бу борада Янгийўл, Чирчиқ шаҳарларида яхши тажриба тўпланди. Келажакда ҳам бу каби ўта муҳим тадбирни албатта давом эттираверамиз.

Маълумки, биз меҳнаткашларга имтиёзларни жамоа шартномалари орқали бераяпмиз. Шу боис 700 дан зиёд бошланғич касаба уюшма ташкилотларида жамоа шартномалари тузилган. Улардаги мавжуд бандларни бажариш учун 2002 йилда жами 54,8 миллиард сўм сарфланди. Бу эса ҳар бир меҳнаткашга ўртача ҳисоблаганда 53 минг 618 сўмдан тўғри келади.

Тармоғимиздаги корхона ва ташкилотларда хавфсиз меҳнат шароити яратилиши, ишсизликдан ҳимоялаш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат тартибининг ижтимоий-адолатли тизимини жорий этилишига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Маърифий ва спорт ишлари, соғломлаштириш тадбирларини яхшилаш борасида турли янги иш услубларини қўллашга ҳаракат қиляпмиз.

Яна бир асосий вазифа - меҳнатга ҳақ тўлашни ўз вақтида амалга ошириш бўйича Президентимизнинг иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан эълон қилган бешта тамойили асосида иш олиб борилди. Тармоқдаги корхоналарнинг банкрот ва тугатилиши муносабати билан беиш қолган ходимларга ижтимоий ёрдам уюштириш, уларни иш билан таъминлаш юзасидан назорат ўрнатганмиз. Ходимларни бошқа касбларга ўқитишга ҳам катта эътибор берилаяпти.

Республикамизда кейинги беш йил давомида қабул қилинган Давлат дастурлари касаба уюшмалари ташкилотларига аҳолини ва болаларни саломатлигини тиклаш, дам олишларини ташкил этиш, мавжуд сиҳатгоҳларни таъмирлаш ва янгиларини қуришда янги имкониятлар яратмоқда. Шу боисдан «Соғлом авлод йили», «Она ва бола йили», «Обод маҳалла йили», «Меҳр ва мурувват йили»да тармоқ меҳнаткашларини диспансеризациядан ўтказиб, лозим бўлган тақдирда, даволаш учун бепул ёки имтиёзли равишда санаторий ва профилакторийларга йўлланмалар берилди. Шу мақсад учун биргина «Соғлом авлод йили»да «Ўзавтодарётранс» агентлиги «Ўзавтойўл» ва «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат акциядорлик жамиятлари, «Ўзтранссаноат» бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан 17.226 миллион сўм маблағ сарфланди. 175 ўринга мўлжалланган учта санаторий-профилакторийларда 2 минг 575 нафардан зиёд ходимларимиз ва уларнинг оила аъзолари ўз соғлиқларини тикладилар.

Тармоққа қарашли ўндан зиёд болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида 7 минг нафардан кўпроқ бола мароқли дам олдирилди. Республикамизда «Соғлом авлод йили» дастурини бажариш бўйича жисмоний тарбия ва спортни корхона ва ташкилотларда ривожлантириб, Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда спортнинг мини футбол, волейбол, шахмат-шашка турлари бўйича спартакиадалар ўтказилди. Ғолиблар қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

2001 йилнинг «Она ва бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан оналар ва болаларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом қилиб ўстириш учун барча шароитлар яратиш, ўсиб келаётган ёшларни миллий қадрият ҳамда анъаналаримизга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида Марказий қўмита ўз дастури асосида иш олиб борди. Мазкур дастурни амалга ошириш бўйича регионал семинарлар ташкил этилди. Дастурни бажариш бўйича белгиланган тадбирлар 2001 йилги жамоа шартномалари ва тармоқ битимларига киритилди. Мазкур дастур асосида тармоқ ишчи-ходимларидан 1 минг 250 нафарини республикамизнинг диққатга сазовор тарихий жойлари - Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарларига туристик саёҳатлар уюштириб, тарихий обидалар зиёрат қилинди. Тармоқ меҳнаткашларидан 1 минг 760 нафари республикамиз ҳудудидаги дам олиш уйлари ва сиҳатгоҳларида ўз соғлиқларини тикладилар.

Оналар ва болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида ҳомиладор ва 2 ёшгача боласи бор аёлларга мунтазам равишда моддий ёрдам кўрсатилди. Мактаб ёшига етмаган фарзандлари бўлган аёлларга қўшимча меҳнат таътиллари берилди. Кам таъминланган, кўп болали, ёрдамга муҳтож оила фарзандларига кийим-кечак, ўқув қуроллари бепул бериш ташкил этилди. Ушбу мақсад учун 5 миллион 516 минг сўм сарфланди. Оталиққа олинган «Меҳрибонлик уй»лари тарбияланувчиларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга 11 миллион 758 минг сўмлик меҳр-мурувват ёрдами кўрсатилди.

«Обод маҳалла йили»да ҳам меҳр-мурувват ишлари давом эттирилди. 2003 йил тармоқ ташкилотлари маҳаллаларни ободонлаштиришда фаол қатнашиб, уларга бепул автотранспорт ва йўл қурилиши механизмларини ажратди. Йил давомида 274 миллион 650 минг сўмлик иш бажарилди. Маҳаллалардаги ёлғиз ва ўзгалар парваришига муҳтож қариялар, ногиронларга, уруш ва меҳнат фахрийларига Наврўз, «Хотира ва қадрлаш» байрамлари муносабати билан моддий ёрдам кўрсатилди. Йўл хўжалиги ходимлари 2003 йилда шаҳарлар ва туманларда ободонлаштириш ва кўчат экиш ишларини олиб бориб, ушбу мақсадга 164 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

«Меҳр ва мурувват йили» ҳам «Обод маҳалла йили»да кўзда тутилган мақсадларнинг мантиқий давоми эканини инобатга олган ҳолда кўпгина ҳомийлик ишлари амалга оширилди. Ўтган йили тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 3 минг 225 та кам таъминланган оилаларга 439 миллион, 221 нафар ногиронларга эса 52 миллион, 160 нафар байналмилалчи жангчиларга 77 миллион сўмликдан зиёд маблағ сарфланди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган кам таъминланган оилаларнинг 217 нафар фарзандларини шартнома пуллари имтиёзли равишда ўтказиб берилди.

«Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш, халқимизга хос бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, соғлом турмуш тарзи тамойилларини кучайтириш мақсадида маҳалла ва гузарлар ободонлаштирилиб, санитария ҳолати яхшиланди. Умумхалқ хайрия хашари ўтказилиб, ундан тушган бир кунлик маблағ «Маҳалла» хайрия жамғармасига ўтказиб берилди.




Мана шундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Биз албатта бундан кейин ҳам мана шундай тадбирларни давом эттираверамиз. Чунки ҳар бир касаба уюшма аъзоси бизнинг фаолиятимизга қараб баҳо беради. Шундай экан биз бундан буён ҳам, мазкур йўналишдаги фаолиятимизни изчиллик билан давом эттираверамиз.

**Алишер МАДАЛИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси**

## ШИКОЯТ БЕКОРГА ЁЗИЛМАЙДИ

***Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитаси ва унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлди. Шу жумладан корхона, ташкилот ҳамда меҳнат жамоаларида ҳуқуқий мавзуларда семинарлар, савол-жавоб кечалари уюштирилиб, тарғибот ишлари олиб борилди.***

2000 - 2004 йиллар давомида 1 минг 507 та ариза ва шикоятлар тушди. Улар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг 2003 йил 18 мартдаги қарори билан тасдиқланган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ равишда ва белгиланган муддатларда кўриб чиқилди.

Аризаларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, айрим корхона ва ташкилотларда меҳнат қонунларининг қўпол равишда бузилиш ҳолатлари содир этилмоқда. Ишлаб чиқаришда вафот этган ходим оилаларига тўланадиган товон ва нафақа пуллари ўз вақтида берилмаётганлиги ҳолатлари ҳам тез-тез учрамоқда. Масалан, ўтган йили Тошкент вилоятининг «Автомагистраль» тармоқ корхонасининг собиқ ходими А. Бургановдан ёзма мурожаатнома тушди. Унда А. Бурганов ишлаб чиқаришда касб касаллигига чалинганлигини ва иш қобилиятини йўқотганлигини, бир йиллик ўртача маошини ололмай сарсон бўлиб юрганини баён этганди. Ариза билан атрофлича танишиб чиқиб, шикоятчига қонунга мувофиқ тегишли нафақа ундириб берилди.

Жиззах таксомотор сароййида ишлаган И. Исоқовнинг аризасида у ишдан бўшагандан кейин унга тегишли иш ҳақи ва нафақалар тўланмаган экан. Жиззах вилоят вакиллиги аралашуви билан у тегишли маблағни олди.

2002 йилдан бошлаб тармоқ корхона ва ташкилотларида ишлаб ногиронликка чиққан, вафот этган ходимлар оилалари ва касб касалликларига чалинганлар рўйхати тафтиш этиб келинмоқда. Бугунги кунда 160 нафардан зиёд мана шундай ишчи-ходимлар борлиги аниқланди. Мазкур тадбир бундан кейин ҳам давом эттирилади.

**Абдуғофур ХАЛИЛОВ,**
**тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитасининг етакчи мутахассиси**

## ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БЎҒИН

Жамоа ташкилотлари орасида касаба уюшмалари алоҳида ўрин тутади. Чунки мазкур ташкилот меҳнат муносабатлари тизимида ҳаракат қилаяпти. Шу боисдан ҳам бизнинг зиммамизда катта масъулият бор десак ҳеч янглишмаган бўламиз. Автокорхонамизда ҳам жамоа шартномаси тузилган бўлиб, ундан меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, жисмоний тарбия ва спорт, маънавий ва маърифий тадбирларни ўтказиш каби ўта муҳим вазифалар ўрин олган. Биз унинг ҳар бир бандини бажарилишини доимий назоратга олганмиз. Жамоа шартномасига асосан иқтисодий қийин аҳволга тушиб қолган меҳнаткашларнинг 72 нафарига 1 миллион 300 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Ўн нафар ходимга эса 50 минг сўмдан маблағ тарқатилди. Касаба уюшма қўмитаси бу масалаларни корхона маъмурияти билан ҳамкорликда ҳал этмоқда.

Бошланғич ташкилот меҳнаткашларни соғломлаштириш масаласига ҳам жиддий эътибор бераяпти. Шу боисдан 2004 йилда барча ходимларимиз бепул тиббий текширувдан ўтказилди. Имконият даражасида ишчи-хизматчиларимизни сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар билан таъминлаяпмиз. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси борасида амалга оширилган тадбирлар учун 480 минг сўм маблағ сарфладик.

Юқоридаги ишларни амалга оширишда иш берувчи билан биргаликдаги фаолиятимиз яхши натижа бермоқда. Биз бу борадаги ҳамкорликни бундан кейин ҳам давом эттираверамиз. Ўйлайманки, бунинг натижасида меҳнаткашлар ўртасида ташкилотимизнинг нуфузи янада ошади.

**Баҳодир БЕРДИҚУЛОВ,**
**«Паркентавтобустакси саройи» масъулияти чекланган жамият касаба уюшма қўмитаси раиси**



## ОНГЛИ ИНТИЗОМ ютуқлар гарови

***Тошкент вилояти автомобил транспорти ва йўл хўжалиги касаба уюшма вакиллиги ўз атрофига 72 та бошланғич ташкилотни бирлаштирган. Айни пайтда аъзоларимиз сони 14 минг 200 нафарни ташкил этади. Мен кўпинча касаба уюшма етакчиси сифатида ўтган беш йил мобайнида амалга оширилган ишларимдан бироз бўлса-да қониқиш ҳосил қилсамда, лекин ҳали олдимизда кўпдан-кўп вазифалар турганлигини ҳис этаман.***



Дарҳақиқат, вакиллигимиз «Тошкентйўловчитранс», «Тошкентюктранс» ва «Тошкентавтойўл» бирлашмалари билан тузилган келишувлар асосида иш олиб борди. Уларнинг бажарилиши йилига икки мартадан муҳокама этиб бориляпти. Асосий эътибор тармоқ меҳнаткашларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирларини ривожлантиришга қаратиляпти.

Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, шу билан бирга хавфсиз иш шароитларини яратиб бериш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидандир. Биргина 2000 йил давомида тармоқ корхона ва ташкилотларида тузилган жамоа шартномаларига мазкур йўналишда 356 та тадбир ўтказиш киритилганди. Уларнинг деярли барчаси бажарилди. Жамоа шартномаларига асосан меҳнаткашларга кўнгилдагидек иш ва дам олиш шароитлари яратиляпти. Кийиниш ва ҳордиқ чиқариш хоналари қурилиб, жиҳозланаяпти. Иш жойлари аттестациядан ўтказилмоқда.

Хавфсиз меҳнат усуллари бўйича йўриқномаларга, тасдиқланган иш тартиби, машина-механизм ва бошқа ишлаб чиқариш жиҳозларининг фойдаланиш қоидаларига ҳар бир ходим қатъий риоя этиши учун меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми мустаҳкамланди. Ишловчиларнинг меҳнат муҳофазасига амал қилиш туйғусини тарбиялаш учун кенг тушунтириш ишлари йўлга қўйилди.

Вакиллигимизда меҳнаткашлардан тушган ариза ва шикоятлар билан ишлаш ҳам йўлга қўйилган. 2000 - 2004 йиллар давомида 77 та оғзаки ва ёзма мурожаатлар тушди. Уларнинг аксариятида бахтсиз ҳодиса туфайли тан жароҳати олганларга товон пули тўлаш, штатлар қисқартирилганда компенсация бериш, ҳақ тўланмайдиган таътил муддати, ёш боласи учун нафақа тўлаш тартибига оид масалалар қаламга олинган. Биз шикоятларнинг барчаси билан шуғулланиб, муаммоларни ижобий ҳал этишга ҳаракат қилдик.

Тизимимиздаги касаба уюшма қўмиталари маънавият ва маърифат ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратишди. Бунинг учун махсус хоналар ташкил этилиб, улар Ватанимиз, маданиятимиз ва тарихимизни ёритувчи адабиётлар ҳамда кўргазмали воситалар билан жиҳозланди. «Тошкентавтойўл» мувофиқлаштирувчи кенгаш таркибидаги ташкилотларнинг барчасига 800 минг сўмлик плакат ва адабиётлар харид этилиб, тарқатилди.

Янгийўл автобус таксомотор сароййида ўтказилган семинар ҳам айнан шу масалага бағишланди. Унинг иштирокчилари мазкур корхонада меҳнаткашларнинг маънавий бойликларини ошириш, унутилган қадриятларни тиклаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан атрофлича танишдилар. Мазкур семинар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида ҳам муайян ишлар бажарилди. Тошкент шаҳрида тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитасининг спартакиадаси бўлиб ўтди. Ушбу спорт анжуманида вилоят тармоқ касаба уюшма спортчилари футбол, волейбол, шахмат ва шашка мусобақаларида иштирок этишди. 2-сонли Чирчиқ автокорхонаси футбол жамоаси эса фахрли 2-ўринни эгалладилар.

2001 йили вилоятимиздаги тармоқ корхона ва ташкилотларида оммавий спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этилиб, уни тўлақонли ўтказилиши учун спорт йўриқчиси лавозими жорий этилди. Ўтган йили ҳам белгиланган режа асосида спорт мусобақалари ўтказиб турилди. Тармоқ меҳнаткашларининг анъанавий III-спартакиадаси шулар жумласидандир. Мазкур мусобақада ҳам спортчиларимиз фахрли ўринларни эгаллашди.

**Баҳодир ЖЎРАБОЕВ,**
**тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитасининг Тошкент вилояти бўйича вакили**

## ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

***Ўзбекистон Республикаси автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси 2001 йилда чет элдаги ҳамкасблар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш мақсадида Халқаро Транспортчилар Федерациясига аъзо бўлиб кириш учун зарур бўлган ишларни амалга оширганди. 1896 йилда ташкил этилган, дунёнинг 125 мамлакатидан 500 дан зиёд касаба уюшма ташкилотларини бирлаштириб турувчи ушбу ташкилотга 2003 йили Ўзбекистон автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси ҳам тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинди.***

Бугунги кунда мазкур ташкилот билан муайян алоқа ўрнатилган. Ўтган йили унинг вакили Михаил Ляхов Марказий қўмитамизда қабул қилинди. Ундан ташқари ҳисобот даврида Озарбайжон, Россия, қозоғистонлик касаба уюшма делегациялари билан ҳам учрашувлар ўтказилади.

Брюсселдаги қурилиш ва ёғочни қайта ишлаш саноати (йўл соҳаси ходимлари учун) ишчилари халқаро Федерациясига аъзо бўлиш юзасидан ишлар давом эттирилмоқда.




## ИШ ЎРНИ ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

***Тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитаси қабул қилинган битимлар ва жойларда иш берувчилар билан тузилган жамоа шартномаларида кўрсатилган меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирларни кенг йўналишда бажарилишини таъминламоқда. Шу боисдан ҳам касаба уюшма ташкилотлари меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва бозор муносабатлари шароитида меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш учун янги шароитларга мослаштириш керак деб ҳисоблайди.***

Меҳнат муҳофазаси - бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг иш жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат. Бунга эришиш учун бир-бири билан боғлиқ бўлган воситалардан фойдаланилмоқда. Буларга халқаро меҳнат меъёрлари, автомобил ва дарё транспорти агентлиги, «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниялари билан биргаликда ишлаб чиқилган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари киради.

«Ўзавтойўл» компанияси йўл ташкилотларида бу борада кўпгина яхши ишлар амалга оширилди. Биргина «Тошвилавтойўл» бирлашмасининг 21та ташкилотида 2003 йилда меҳнат муҳофазаси мутахассиси лавозими қайта тикланди. Тошкент шаҳрининг 2-автокомбинати, 2-трамвай депоси, 8-автобус саройи, 2519-автожамланмаси, Мерседес-Бенс сервис корхонаси, Шаҳрисабздаги 35-автокорхона каби бир қатор корхоналарда меҳнат муҳофазаси бўйича олиб борилаётган ишлар кўнгилдагидек йўлга қўйилган. Бу тадбирни янада яхшилашда ўтказилаётган кўрик-танловлар кутилган натижани бераяпти. Бу борада айниқса, Тошкент шаҳри, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Навоий, Андижон, Фарғона вилоятлари тармоқ вакилликларининг олиб бораётган ишлари эътиборга лойиқдир.

Кўрик-танловда ҳар йили иккитадан бошланғич касаба уюшма қўмитаси, биттадан бошланғич касаба уюшма қўмитасининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳайъати ва иккитадан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллари ғолиб деб топилиб, Фахрий ёрлиқ ва совғалар билан тақдирланмоқда.

Иш жойларидаги меҳнат шароитини яхшилаш ҳам асосий вазифаларимиздан биридир. Шу боисдан ҳам жойлардаги мутахассисларимиз иш жойларини аттестациядан ўтказиш, меҳнаткашларга кўнгилдагидек иш ва дам олиш шароитини яратиш борасида кўпгина ишларни амалга оширишмоқда.

Кейинги пайтда меҳнат муҳофазаси борасида бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар соғлиқ учун зарарли ва хавфли бўлган ишларда банд бўлган ишчиларнинг иш вақти ва дам олишини, хотин-қизлар меҳнатини, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, ишга энг камида неча ёшдан қабул қилиш масалаларини тартибга солиб, 18 ёшга етмаганлар меҳнатидан хавфли ва зарарли ишларда фойдаланиш таъқиқлаб қўйилди.

**Маматқул БЕГМАТОВ,**
**тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитасининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бош мутахассиси**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

(Боши 1-бетда)

уй-жой мулкдорлари ширкатларини давлат рўйхатига олиш тартиби ва ҳисобга қўйиш тўғрисидаги Низом.

Белгилансинки, Уюшмага кирувчи уй-жой мулкдорлари ширкатларининг раҳбарлари, таъмирлаш-қайта тиклаш ва авария хизматларининг, уй-жойлардан фойдаланиш ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари (ташкилотлари)нинг вакиллари УМШ Уюшмалари аъзолари умумий йиғилишининг қатнашчилари ҳисобланадилар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари зиммасига УМШ Уюшмалари билан ишларни мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича қуйидаги вазифа ҳамда ваколатлар юклатилсин:

уй-жой фондидан фойдаланиш, жорий ва капитал таъмирлашни ўз вақтида амалга ошириш масалаларида УМШ фаолияти самарадорлигини мунтазам таҳлил қилиб бориш;

кўп хонадонли уй-жой фондида ўтказиладиган таъмирлаш-қайта тиклаш ишларининг тасдиқланган қурилиш норма ва қоидаларига мувофиқлигини назорат қилиш;

УМШ томонидан амалдаги қонунчилик бузилганлиги аниқланган ҳолларда уй-жой мулкдорларининг навбатдан ташқари йиғилишларини чақириш;

УМШ раислари ва ижрочи директорларини тайинлаш тўғрисида тавсияномалар, шунингдек уларни уй-жой мулкдорларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этмаган, амалдаги қонунчиликни бузган тақдирда лавозимидан озод қилиш тўғрисида таклифлар киритиш.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари шаҳар ва туманларда уй-жой коммунал хўжалиги масалаларига мутасаддилик қилувчи ҳоким ўринбосари бошчилигида уй-жой фондини сақлаш мониторинги Комиссияларини тузсинлар, уларнинг таркибига кадастр, солиқ, молия хизматларининг, архитектура-қурилиш назорати, ички ишлар органларининг, маҳаллалар, УМШ Уюшмаларининг вакилларини жалб этсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Х.Тўхтаев, Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш, қурилиш индустрияси масалалари бўйича ахборот-таҳлил департаменти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, УМШ Уюшмалари билан биргаликда 2005 йилнинг биринчи ярмида УМШ раҳбар ходимларини, жумладан тармоқ коллежлари базасида ўқитишни ташкил қилсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 5 июлдаги Ф-1992-сон Фармойиши билан тузилган Ишчи гуруҳ (Р.С.Азимов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманларнинг ҳокимликлари:

2005 йилнинг феврал-март ойларида битта УМШга бирлаштириладиган хонадонлар (уйлар) сонини қайта кўриб чиқиш ва мақбуллаштириш мақсадида кўп хонадонли уйлардаги уй-жой эгаларининг навбатдан ташқари йиғилишларини ўтказишни таъминласин;

2005 йилнинг 1 апрелига қадар муддатда УМШ ҳудудий уюшмаларининг таъсис йиғилишларини ўтказсин;

2005 йилнинг 1 майига қадар муддатда тузилаётган УМШ Уюшмаларини зарур хоналар, анжомлар, шунингдек ташкилий техника билан таъминласин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда:

1991 йилгача бўлган даврда қурилган кўп хонадонли уй-жой биноларини капитал таъмирлаш дастурларига уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан уй-жой биносини капитал таъмирлаш умумий сметa қийматининг камида 30 фоизи ҳажмида молиялаштирилган уйлар киритилади;

кўп хонадонли уй-жой биноларида жойлашган бошқа мақсадларда фойдаланилаётган хоналарнинг эгалари турар-жой биносининг умумий мулкини сақлаш ва таъмирлашда иштирок этишлари мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари маҳаллий бюджетларга режадан ортиқча тушган маблағлар ҳисобидан таъмирлаш-қайта тиклаш ишлари учун УМШга бюджетдан ссудалар берсин.

9. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги, «Саноатконтехназорат», Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда белгиланган тартибда қуйидагиларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

кўп хонадонли уйларда хоналарни реконструкциялаш, ўзгартириш ва қайта ускуналаш бўйича бинолар хавфсизлигини таъминлайдиган қурилиш норма ва қоидалари;

ҳар бир хонадонда совуқ ва иссиқ сув учун биттадан ошмайдиган ҳисоблагич асбоб ўрнатилишини кўзда тутадиган уй ичи ва хонадон ичи коммунал тармоқларининг схемалари энг мақбул бўлган кўп хонадонли уйларнинг намунавий лойиҳалари.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари уч ой муддатда:

ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаларини тугатиб, уларнинг вазифаларини коммунал хизматини ривожлантириш масалаларига масъул бўлган ҳоким ўринбосари котибияти ихтиёрига топширсинлар;

вилоят «Коммундренаж» ишлаб чиқариш корхоналарини шаҳар ва туман ҳокимликлари билан шартномалар асосида ихтисослаштирилган дренаж ишларини бажарувчи пудрат корхоналарига айлантирсинлар.

Шаҳар ва туманларни ободонлаштириш, кўчаларни ёритиш, дренаж ишларини бажариш масалалари нодавлат мулкчилик шаклида барпо этилаётган корхоналар томонидан маҳаллий ҳокимият органлари, УМШ Уюшмалари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан шартнома асосида ҳал этилиши белгилаб қўйилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қуйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар;

икки ой муддатда - «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Қонуни лойиҳаси.

12. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 10 феврал

## «Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси



# МЕНГА ҲАМ КОМПЕНСАЦИЯ БЕРИЛАДИМИ?

**Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради**

***САВОЛ: 1. Мен мактабда амалиётчи - психолог вазифасида ишлайман. Шу билан бирга 10 соат дарс юкламаси ҳам мавжуд. Менга компенсация тўланмаяпти, шу тўғрими?***

***- психолог вазифасида ишлаётган даврим педагогик стажга кирадими?***

***- мактабда ишлаётган ёшлар етакчисига ҳам компенсация тўланадими?***

**Н. ОТАЖОНОВА,**
**Хоразм вилояти.**

***САВОЛ: 2. Халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган касби ўқитувчи бўлган, лекин умумтаълим мактабларида ишламаётганларга ҳам компенсация пули тўланадими?***

**Б. ХОЛИҚОВ,**
**Сурхондарё вилояти**

***САВОЛ: 3. Педагогик маълумотга эга бўлмаганларга компенсация пули тўланмайди дейишди, шу тўғрими?***

**Х. ҚОДИРОВ,**
**Қашқадарё вилояти.**

**ЖАВОБ**: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 апрелдан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисидаги Фармонига биноан қуйидаги шахсларга энг кам иш ҳақининг 45 фоизи асосида компенсация пул тўловлари берила бошланди:

- барча турдаги умумтаълим мактабларининг педагогик маълумотига эга ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, тарбиячилари, концертмейстрларига;
- академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва ўрта махсус таълим муассасаларининг педагогик маълумотга эга ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, ишлаб чиқариш усталари, психологлари, методистлари, тарбиячилари, концертмейстрлари;
- педагогик маълумотига эга «Меҳрибонлик уйи» тарбиячилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, психологларига;
- педагогик маълумотига эга бўлган тарбиячилар, ўқитувчилар, мудирлар, директорлар, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, мактабгача таълим муассасаларининг психологларига;
- педагогик маълумотига эга ва тренерлик иши олиб борган мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ўқитувчилари, тарбиячилари, тренер ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, инструктор-методистларига;
- Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилар таркиби, ректорлари, ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорларига, филиалларнинг директорлари, ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, илмий котиблар, ишлаб чиқариш усталари, ҳисоб маркази бошлиқлари, инженерларига;
- юқорида айтиб ўтилган ходимлар тоифасига кирувчи педагогик ва илмий педагогик меҳнат стажи 10 йилдан кам бўлмаган пенсионерларга ҳам тўланади.

Мактабда психолог-амалиётчи вазифасида ва ёшлар етакчиси вазифасида меҳнат қилаётганларга, касби ўқитувчи бўлган, бироқ умумтаълим мактабларида ишламаётганларга компенсация пул тўловлари берилиши назарда тутилмаган.

Шунингдек, психолог вазифасида фаолият кўрсатаётган даври педагогик стажга кирмайди.

# МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЗАРАР ХУСУСИДА

**Саволингизга Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг бош ҳуқуқшуноси Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради**



***САВОЛ: Моддий ва маънавий зарар деганда нима тушунилади? Унинг миқдори қандай аниқланади?***

**З.ТУРСУНОВА,**
**Тошкент шаҳри**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 14-моддасига биноан «зарар» деган (жисмоний ёки юридик) шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши, шунингдек, олиши мумкин бўлган ,аммо олинмай қолган даромадлари, бир сўз билан айтганда, шахснинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига нисбатан қилинган тажовуз, етказилган зарар тушунилади.

Зарар моддий (мулкий) ёки маънавий (номулкий) бўлиши мумкин.

Маънавий зарар жабрланувчига қарши этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати ёки ҳаракатсизлик оқибатида жабрланувчи бошидан ногирон ёки дучор бўлган маънавий ва жиноий азоблар (яъни камситиш, жисмоний ва руҳий азоб чекиш, ноқулайлик ҳолатига тушиш ва бошқалар) тушунилади.

Маънавий зарар фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи, ишчанлик обрў-эътибори, қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирига нисбатан қаратилган ғайриқонуний ҳаракатлар натижасида етказилиши мумкин. Айрим ҳолларда маънавий зарар жабрланувчини мулкий зарарга нисбатан кўпроқ қийинроқ аҳволга солиши мумкин. Чунки маънавий зарарга учраган шахс кейинчалик шахсий ва ижтимоий ҳаётдаги фаолиятини давом эттира олмаслиги, соғлиғига тиклаб бўлмас даражадаги зиён етиши, касалликка дучор бўлиши, обрў-эътиборидан айрилиш ва кўплаб ноқулайлик ва нохушликларни бошдан кечириши мумкин.

Шу нуқтаи-назардан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида «Маънавий зарар» ва уни қоплаш масалаларига катта аҳамият берилган. Жумладан, маънавий зарарни қоплаш билан боғлиқ муносабатлар Фуқаролик Кодексининг 11, 99, 100, 163, 1021, 1022 моддаларида, Меҳнат Кодексининг 112-моддасида, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 22-моддасида, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 115-моддасида ва бошқа бир қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1020-моддасига биноан, маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади. Айрим ҳолларда эса зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига хавф манбаи томонидан етказилган бўлса ёки фуқаро қонунга хилоф равишда жиноий жавобгарликка тортилган бўлса ёки ғайриқонуний равишда ишдан бўшатилган ёки ор-номус, қадр-қиммат ва обрў-эътиборга путур етказувчи маълумотлар тарқатиш туфайли зарар етказилган тақдирда зарар уни етказувчининг айби бор-йўқлигидан қатъий назар қопланиши лозим. Жумладан, Фуқаролик Кодексининг 989-моддаси 1-қисмига мувофиқ, юридик шахс ёки иш берувчи ҳисобланган жисмоний шахс ўз ходими меҳнат (хизмат, лавозим) мажбуриятларини бажариб турган вақтида унга етказилган ҳар қандай зарарни қоплаш кўзда тутилган.

Маънавий зарар миқдори жабрланувчи томонидан белгиланади, аммо унинг миқдори хусусида низо мавжуд бўлса, судлар томонидан жабрланувчига етказилган маънавий ва жисмоний азобларнинг даражасига, айбдорнинг ва ҳуқуқбузарлик ҳаракатининг хусусиятига, жабрланувчининг шахсига етказилган зарар оқибатининг натижаларига кўра баҳоланади. Фуқаролик Кодекснинг 1022-моддасига мувофиқ судлар етказилган маънавий зарарни пул билан қоплаш миқдорини белгилашда адолатлилик тамойилларига риоя қилишлари лозим.

**Саволларингизга Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ҳуқуқшуноси Ғофур Ғойибов жавоб беради**



## МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ ХОДИМНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

***САВОЛ: Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббусига кўра бекор қилиш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.***

**А.ҚОДИРОВ,**
**Тошкент шаҳри**

**ЖАВОБ**: Амалиётда меҳнат шартномасини бекор қилишнинг энг кўп қўлланиладиган тури бу ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишдир. Бунинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Масалан: иш шароитининг маъқул бўлмаслиги, бошқа жойга яшаш учун кўчиб кетиши, ўқишга кириши, нафақа ёшига етиши ва ҳоказолар.

МКнинг 99-моддаси 1-қисмига биноан ходим, муайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам (унинг муддати тугамасдан аввал), номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам иш берувчининг бу ҳақда икки ҳафта олдин огоҳлантириб бекор қилиши мумкин. Ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун фақат унинг ёзма равишда ёзган аризаси асос бўлади.

Меҳнат шартномасини МКнинг 99-моддасига асосан бекор қилишда фақат ходимнинг хоҳиши бўлиши талаб этилади. Агар меҳнат шартномасини бекор қилишда ходимнинг хоҳиши эмас, балки уни ариза ёзишга мажбур қилган иш берувчининг ноқонуний ҳаракатлари (алдаш, қўрқитиш, меҳнат шароитларини ва унга ҳақ тўлашни асоссиз ёмонлаштириш) сабаб бўлган бўлса, меҳнат шартномасини бекор қилиш ноқонуний деб топилади. Худди шундай йўлни суд амалиёти ҳам қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон Олий судининг 1992 йил 13 ноябрдаги Пленумида «Судлар томонидан меҳнат шартномасини тузиш ўзгартириш ва бекор қилишни тартибга солувчи қонунчиликни қўллаш тўғрисида»-ги ҳужжатда меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги низоларни кўришда, судлар меҳнат шартномасини бекор қилишда ҳақиқатан ҳам ходимнинг хоҳиши бўлганлигини, шартномани бекор қилишнинг ҳақиқий сабабларини аниқлаш лозимлигини тушунтириб берилган.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида ариза берган ходим, огоҳлантириш муддати давомида ўз меҳнат вазифаларини белгиланган тартибда бажариши, ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилиши шарт. Акс ҳолда иш берувчи унга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда жазо чораларини қўллаши мумкин. Ходим иш берувчининг розилигисиз икки ҳафталик огоҳлантириш муддати тугамасдан ишни ташлаб кетиши меҳнат вазифаларини қўпол равишда бузиш ҳисобланади. Шунингдек, иш берувчи ҳам ходимнинг розилигисиз огоҳлантириш муддати тугамасдан меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли эмас. Меҳнат шартномасини бекор қилишда огоҳлантириш муддати ариза берилган куннинг эртасидан бошланади. Масалан, ариза 10 - санада берилган бўлса, огоҳлантириш муддати 11- санадан бошланади ва 24-санада, яъни охирги иш кунида тугайди. Шундай қилиб, ходимнинг хоҳишига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризаси ўз кучини йўқотади ва бу аризага биноан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризаси ўз кучини йўқотади ва бу аризага биноан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди. Меҳнат шартномасини бекор қилиш истагини эса ходим қўшимча ариза ёзиш билан таъкидлаши лозим бўлади. МКнинг 99-моддасига асосан огоҳлантириш муддати давомида ходим ўз хоҳишига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризасини қайтариб олиши мумкин. Ходимнинг ёзган аризасини қайтариб олиш ҳуқуқи охирги иш куни билан қўшиб ҳисобланганда, бутун огоҳлантириш муддати давомида сақланиб қолинади. Ходимга ўз хоҳишига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризасини қайтариб олишни рад этишга йўл қўйилмайди. Бундай ҳолда меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида буйруқ чиқарилган ёки чиқарилмаганлигиинг аҳамияти йўқ. Огоҳлантириш муддати давомида ходим ўзи истаган вақтида ва ҳеч қандай чеклашларсиз ёзган аризасини қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

## МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ УНИНГ МУДДАТИ ТУГАШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

***САВОЛ: Меҳнат шартномасини унинг муддати тугаши муносабати билан бекор қилиш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.***

**Б. АХРОРОВ,**
**Ургут тумани**

**ЖАВОБ:** Меҳнат шартномасини унинг муддати тугаши муносабати билан бекор қилишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, шартнома муддати тугаши муносабати билан ҳар икки томон, яъни иш берувчи ёки ходим тарафларидан бирининг хоҳиши бўлмаган тақдирда ҳам бекор қилишга ҳақлидир. Меҳнат шартномасини бекор қилишнинг бошқа асосларидан фарқли ўлароқ (мисол учун томонларнинг келишувига кўра МКнинг 97-моддаси 1- банди, ходимнинг ташаббуси билан МКнинг 99-моддаси), меҳнат шартномасини унинг муддати тугаши муносабати билан бекор қилиш учун қўшимча музокаралар олиб бориш ёки томонларни огоҳлантириш ва шу кабилар талаб этилмайди. Бу турдаги меҳнат шартномасини бекор қилиш учун фақат бир шарт яъни унинг амал қилиш муддатининг тугаганлиги етарлидир.

Амалдаги МК ҳар икки тарафга меҳнат шартномасининг муддати тугаган кундан бошлаб бир ҳафта ичида меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқини беради. Хусусан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ унинг муддати тугаган куннинг эртасига, индинига ёки ҳафтанинг охирги кунида ҳам чиқарилиши мумкин. Аввалги Меҳнат қонунлари кодексида белгиланишича, меҳнат шартномаси айнан шартнома амал қилишнинг охирги кунида амалга оширилиши шарт эди. Агар шу муддат ўтказиб юборилса, меҳнат шартномасини умумий асосларда бекор қилишга тўғри келар эди. Бу эса ўз навбатида ҳам иш берувчига, ҳам ходимга ноқулайликлар туғдирар эди. Амалдаги Меҳнат Кодекси эса бу ноқулайликларга барҳам берди. Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, меҳнат шартномасининг муддати тугашига қарамасдан меҳнат муносабатлари давом этаверса ва томонларнинг бири уни бекор қилишни бир ҳафта давомида талаб қилмаса у ҳолда меҳнат шартномаси номуайян муддатга узайтирилган ҳисобланади. Шу каби бир ҳафталик муддатнинг ўтказиб юборилиши иш берувчи учун ҳам, ходим учун ҳам ҳеч қандай сабаблар билан узрли деб ҳисобланмайди. Шунинг учун ҳам ҳар икки томон меҳнат шартномасининг муддати тугайдиган кунни ўзлари учун аниқ белгилаб олишлари зарур бўлади.

## МЕҲНАТ ҲАҚИДАН УШЛАБ ҚОЛИШ ТАРТИБИ

***САВОЛ: Қайси ҳолатларда ходимнинг меҳнат ҳақидан унинг розилигисиз ушлаб қолиш мумкин?***

**ЖАВОБ:** МКнинг 164-моддасига асосан унинг ёзма равишдаги розилиги бўлган ҳолларда ойлик маошидан ушлаб қолиш мумкин. Ходимнинг ёзма равишдаги розилиги бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар қуйидаги ҳолларда меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади:

- амалдаги қонунчилик бўйича белгиланган солиқлар ва мажбурий тўловларни ундириш учун;
- суднинг қарорлари ва бошқа мажбурий тўловларни ушлаб қолиш учун;
- иш ҳақи ҳисобидан ортиқча берилган авансни ушлаб қолиш ёки хизмат сафари муносабати билан берилган ҳамда сарфланмай қолган пул маблағини ушлаб қолиш учун;
- аванс тариқасида берилган йиллик таътил даврини тўлиқ ишлаб бўлмасдан меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда, ишлаб берилмаган кунлар учун тўланган пул миқдорини ушлаб қолиш мақсадида;
- ходим томонидан иш берувчига унинг бир ойлик маошидан кўпроқ миқдорда етказилган зарарни ундириш учун;
- ходим томонидан айбли ҳаракатлар содир этилган тақдирда, МКнинг 181-моддаси 1-қисми 2-бандида кўрсатиб ўтилган жаримани ундириш учун.

Ходимнинг меҳнат ҳақидан унинг розилигисиз ушлаб қолишнинг асосий шартларидан бири, бу ҳар сафар ойлик маошни тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган пул миқдори ходим ойлик маошининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

## ИНТИЗОМИЙ ЖАЗОНИ ҚЎЛЛАШ ВА УНИНГ УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

***Савол: 1.Интизомий жазоларни қўллаш тартиби қандай?***

***2.Интизомий жазонинг амал қилиш муддати ва унинг устидан шикоят қилиш тартиби ҳақида ҳам маълумот берсангиз.***

**С.РАСУЛОВА,**
**Хатирчи тумани**

**ЖАВОБ:** 1.Меҳнат интизомини бузган ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби МКнинг 182-моддасида белгиланган бўлиб, уни қўллаш фақат ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахслар томонидан амалга оширилади. Интизомий жазо чорасини қўллашдан олдин ходимдан тушунтириш хати ёзиб бериш талаб қилинади. Ходимнинг тушунтириш хатини ёзиб беришдан бош тортиши унга нисбатан жазо чорасини қўллаш учун тўсиқ бўла олмайди. Интизомий жазо чорасини қўллаш вақтида содир этилган тартиббузарликнинг қай даражада оғир эканлигини аниқлашда ходимнинг хулқ-атвори ва олдинги иши ҳисобга олинади. Ҳар бир ножўя хатти-ҳаракати учун битта интизомий жазо чораси қўлланилиши мумкин.

Интизомий жазо чораси ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин бир ойлик муддат ичида қўлланилади. Бу муддатга ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақти кирмайди. Интизомий жазо чорасини ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб 6 ой ўтгандан сўнг, молия хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланган ҳолларда эса ножўя ҳаракат содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтгандан сўнг қўллаб бўлмайди.

2.Амалдаги МКнинг 183-моддасига асосан ходимга нисбатан қўлланилган интизомий жазонинг амал қилиш муддати 1 йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ана шу бир йиллик муддат ичида ходимга нисбатан яна бошқа интизомий жазо чораси қўлланилмаса у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади. Интизомий жазо чорасини қўллаган иш берувчи ўз ташаббусига кўра, ходимнинг илтимосига, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосига кўра бир йиллик муддат ўтмасдан олдин ҳам жазо чорасини олиб ташлаши мумкин.

Қўлланилган интизомий жазо чораси устидан якка меҳнат низоларини кўриш учун белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин. Меҳнат низосини кўриб чиқувчи орган ходимнинг хулқ-атворини, унинг меҳнатга бўлган муносабатини, содир этилган тартиббузарликнинг қай ҳолатда юз берганлигини, иш берувчи томонидан интизомий жазо чорасини қўллаш тартибига қанчалик риоя этилганлигини ҳисобга олиб, қўлланилган интизомий жазони ноқонуний деб топишга ва уни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақлидир.

# КУРАШИМИЗ ДОВРУҒИ

## Буюк Британиянинг Ситтингборн шаҳрида Ислом Каримов турнири ниҳоясига етди

(Боши 1-бетда)

**Мусобақа натижалари:**

**Қизлар — 30 килограммгача**
1.Рован Куллен (Англия)
2.Ниамх Финлей (Англия)
3.Жердж Андерсен (Англия)

**44 кггача**
1.Танйа Ньюмен (Бекслей Йанг)
2.Лотти Милингтон (Буюк Британия)
3.Жеоржина Феллгейт (Англия)

**63 кггача**
1.Террина Данниельс (Спитфайер)
2.Амий Милингтон (Буюк Британия)

**Мутлоқ вазн тоифасида**
1.Меган Харлоу (Фейвершам)
2.Аликс Коста (Англия)
3.Карлотте Рйан (Бекслей Йанг)

**Ёшлар (эркаклар) — 60 кггача**
1.Хуршид Саматов (Ўзбекистон)
2.Алишер Бўронов

**66 кггача**
1.Олим Равшанов (Ўзбекистон)
2.Фаррух Жиянов (Ўзбекистон)
3.Жек Веб (Буюк Британия)

**73 кггача**
1.Юсуф Тўлаганов (Ўзбекистон)
2.Темур Эшқурбонов (Ўзбекистон)
3.Киеран Даниельс (Спитфайер)

**81 кггача**
1.Искандар Ҳайдаров (Ўзбекистон)
2.Ҳамид Амриллаев (Ўзбекистон)
3.Люк Дйер (Басингсток)

**81 кгдан юқори**
1.Жасур Нормуродов (Ўзбекистон)
2.Алишер Эргашев (Ўзбекистон)

**Катталар (аёллар)**
1.Дилшода Хазратова (Ўзбекистон)
2.Жойс Меллер (БАТ)
3.Софи Шов (Челсфорт)
4.Сюзанна Галатова (Словакия)

**Катталар (эркаклар) — 66 кггача**
1.Жек Веб (Буюк Британия)
2.Олим Равшанов (Ўзбекистон)
3.Пол Сойер (Буюк Британия)
4.Гари Беван (Буюк Британия)

**73 кггача**
1.Темур Эшқурбонов (Ўзбекистон)
2.Умид Бозоров (Ўзбекистон)
3.Ашлей Коста (Буюк Британия)
4.Андрей Мериакр (Молдова)

**81 кггача**
1.Зариф Бозоров (Ўзбекистон)
2.Жонатан Бромвич (Буюк Британия)
3.Марк Донелли (Буюк Британия)
4.Веслий Карзнс (Рамсгейт)

**90 кггача**
1.Жон Кларк (Ситтингборн)
2.Тудор Кодреану (Молдова)
3.Жейсон Аллен (Бирмингем)
4.Грант Атерман (Госпорт кейдж)

**100 кггача**
1.Шокир Тўраев (Ўзбекистон)
2.Жеймз Вейз (Бристол)
3.Даррин Ричардсон (Госпорт кейдж)
4.Лей Тилл (Госпорт кейдж)

**100 кгдан юқори**
1.Крис Лонгман (Челмсфорд)

**35 ёшдан катта фахрийлар**

**90 кггача**
1.Жейсон Аллен (Бирмингем)
2.Пол Сойер (Буюк Британия)
3.Грант Ватерман (Госпорт кейдж)

**90кгдан юқори**
1.Жеймз Вейз (Бристол)
2.Даррин Ричардсон (Госпорт кейдж)

**45 ёшдан юқори фахрийлар**

**мутлоқ вазн**
1.Роб Холден (Буюк Британия)
2.Дейв Хетч (Ситтингборн)
3.Ўктам Набиев (Ўзбекистон)

**А.ЮНУСОВ**

## *Маъмун академиясининг 1000 йиллиги олдидан*

***Кўҳна заминимизда ташкил топган академиянинг минг йиллик ўтмиши мамлакатимиз қадимдан илм-фан ўчоқларидан бири бўлганини кўрсатади. XI асрнинг бошида Хоразмда ҳукмронлик қилган Али ибн Маъмун, кейинчалик унинг укаси Маъмун ибн Маъмун даврида илм-фан, маданият ғоят ривожланган. Беруний мажлиси уламо (академия)га раҳбарлик қилган. Унга дунёдаги йирик олимлар жалб қилинган. Билим масканида дунёвий илмлар, хусусан, математика, кимё, геодезия, минерология, тиббиёт, доришунослик, тарих, сиёсат, тил ва адабиёт, фалсафа, мантиқ, ҳуқуқ фанлари чуқур ўрганилган. Маъмун академияси минтақада фанни ривожлантирибгина қолмай, балки давлатлар ўртасидаги маданий алоқаларни ҳам мустаҳкамлади. Турли халқларнинг эътиқодларини бирлаштирувчи дўстлик риштаси бўлиб, тарих саҳифасига ёзилди. Бу илмий жамоада гипотеза тарзида олға сурилган ғоялар дунё фанининг ривожи учун омил бўлди.***

# БАЙРАМ АРАФАСИДА

1017 йилда Маҳмуд Ғазнавий томонидан Хоразмни босиб олиниши билан академия ўз фаолиятини тўхтатган бўлса-да, илм масканида ўртага қўйилган илмий ғоялар, муаммолар атрофида мунозаралар давом этди. Кейинчалик Хоразмда етишиб чиққан Замахшарий, Сулаймон Боқирғоний, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Чағмоний каби пиру устозлар ҳам шу академиянинг бевосита давомчиларидир. Мустақиллигимиз шарофати билан салкам минг йиллик танаффусдан кейин қадимий ва кутлуғ академия қад ростлади. Илмий ишлар олиб бориш учун ҳозир бизда барча шарт-шароитлар етарли. Жамоамизда 2 нафар академик, 11 нафар фан доктори ва 26 нафар фан номзоди иш олиб бормоқда. Академия таркибида «Археология, тарих ва фалсафа», «Тил ва адабиёт», «Биология муаммолари» бўлимлари ташкил қилинган.

«Археология, тарих ва фалсафа» бўлимининг ходимлари томонидан «Хоразмда қадимги ва ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги тарихи», «Хоразм вилояти археологик ёдгорликларини тадқиқ қилиш» мавзулари бўйича илмий ишлар қилинди. «Ўзбек халқининг этник тарихида Хоразм воҳасининг ўрни» мавзуси илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш жараёнида воҳада мавжуд бўлган айрим этник гуруҳлар, элатларнинг жойлашуви аниқланди, урф-одатлари, турмуш маданияти ҳақида маълумотлар тўпланди.

«Қадимги ва ўрта асрлар Хоразм давлатчилиги тарихи» мавзуси бўйича археологик изланишлар, ёзма гувоҳликлар ҳамда уларни таҳлил қилиш натижалари асосида ўзбек давлатчилиги асосини ташкил қилувчи Хоразм давлатчилик тарихи 3 минг йил деб тан олинди.

«Тил ва адабиёт» бўлимида «IX-XIII асрларда Хоразм ёзма адабиёти ва оғзаки эпоси. IX-XIII асрлар Хоразм ёдномаси тили» мавзуси бўйича воҳа ёзма адабиёти ва оғзаки афсоналар ҳамда ривоятлар «Авесто»даги мифологик қатлам билан қиёсий таҳлил қилинди. Оғзаки ва ёзма намуналар таҳлили орқали адабий ва бадиий тилга хос хусусиятлар, уларнинг ўзаро таъсири ўрганилди. Академиянинг «Биологик муаммолар» бўлимида тўртта илмий мавзу бўйича тадқиқотлар бажарилди. Вилоятимиз шароитида асосий, оралиқ ва такрорий экишларда озуқавий экинларни парвариш этишнинг самарали технологиялари ва маккажўхорининг уруғлик тизимини яратиш бўйича изланишлар амалга оширилди. Сув танқислиги шароитида ерларнинг шўрини ювиш, чигит уруғини оптимал муддатларда ундириб олиш, экинларни мавсумий суғоришларда захкаш сувларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Вилоятда термитлар кўпайиб Хивадаги тарихий ёдгорликлар, янги уй ва маъмурий биноларга жиддий зарар етказа бошлади. Олимларимиз термитлар тарқалиши, тур таркиби, биологияси ва популяцион структурасини ўрганиб чиқишди. Уларга қарши курашда энтомопотоген замбуруғларидан фойдаланиш тавсия қилинди. Натижада бу жиддий хавфнинг олди олинди. Бундан ташқари, шифрли грантлар бўйича илмий ишлар олиб борилмоқдаки, халқ хўжалиги учун бу ниҳоятда зарур бўлиб, юқори самара бермоқда. Шунингдек, академиямизда магистратура, аспирантура бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Академиямизнинг минг йиллигига нафақат Хоразмда, балки бутун республикада ҳам катта тайёргарлик кўрилмоқда. Китоблар чоп қилинмоқда, маъмурий бинолар таъмирланиб, жиҳозланмоқда, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари авж олмоқда. Урганч ва Хива шаҳарларида кўчалар кенгайтириляпти, янги бинолар, меҳмонхоналар қурилмоқда. Хуллас, мазкур байрам арафасида воҳа янада гўзаллашади.

**Каримжон САФАРОВ,**
**Хоразм Маъмун академияси раиси,**
**биология фанлари доктори**



Фарғона тумани халқ таълими бўлими мактабларида жисмоний тарбия ва спорт тўгаракларини ривожлантириш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Тумандаги Ёшларобод қишлоғида замон талабларига жавоб берадиган ўйингоҳда айни пайтда етти юздан зиёд болалар спортнинг олти тури бўйича шуғулланишмоқда.

Бундан ташқари, туман бўйича учта болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда тарбияланувчи ёш спортчилар вилоят ҳамда республика миқёсида ўтказиладиган спорт ўйинларида қатнашиб, яхши натижаларни қўлга киритмоқда.

***Суратда: 3-умумтаълим мактабининг жисмоний тарбия ўқитувчилари Гўзал Ишбулатова ва Турғунбой Жумабоев машғулот ўтказмоқдалар.***

**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат**

## ШАМОЛНИНГ ИШИ

Хитойдаги Лоб-нор кўли атрофидан топилган «Эол шаҳри» харобалари муҳим археоюнон афсоналарида учрайдиган шамол худосининг номидир. Шу сабабли, шамолнинг кучи билан вужудга келган бундай «шаҳар» «Эол шаҳри» деб аталади.

Хўш, шамол бундай «шаҳар»ни қандай қилиб вужудга келтирган? Маълумки, шамол ер қиёфасини ўзгартириб турувчи энг муҳим омиллардан биридир.

Шамол, шамолнинг пайдо бўлиши, унинг турлари инсониятга қадимдан маълум. Шамол саҳронинг тасодифий, вақтинча меҳмони эмас, балки унинг доимий хўжайинидир. У теп-текис, яланг саҳроларда ғоят кўп қум зарраларини то бирор тўсиққа дуч келгунча, учириб кетаверади. У бирон бутоқларга ёки қоя тошларга учрагач, уларнинг атрофида кўплаб марзалар ҳосил бўлади. Бу марзалар бора-бора олди тик орқа томони қия бўлган, отнинг туёғига ўхшаш шаклдаги тепаликларга айланади.

Бархонлар деб аталувчи бу тепаликларнинг баландлиги одатда 15-20 метр бўлади. Бархонлар Ўрта Осиёнинг Қизилкум ва Қорақум саҳроларида кўп учрайди.

***Музейлар халқ тарихининг кўзгуси бўлиб, у фарандларимиз, келажак авлод қалбида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.***

# МУЗЕЙЛАР

## ТАРИХИМИЗ КЎЗГУСИ

*Фахр*

Оролбўйининг узоқ ўтмишидан гувоҳлик берувчи маънавият-маърифат гўшаси Қорақалпоғистон Республикаси Давлат Санъат музейида бир неча асрлик осори-атиқалар, миллий мерос намуналари, ўзбек, қорақалпоқ, рус рассомлари чизган суратлар, ажойиб санъат асарлари сақланади. Музей залларида чет эллик сайёҳларни ҳар куни учратасиз. Улар кўргазмаларни завқ билан томоша қилишади.

– Санъат даргоҳи 1966 йилнинг февралида ташкил қилинган, – дейди музей директори М.Бобоназарова. – Жамғармамиздан 90 мингга яқин ҳар хил экспонатлар жой олган. Республика раҳбариятининг доимий эътибори ва кўрсатган амалий ёрдами туфайли мустақиллик йилларида музей янги санъат асарлари билан янада бойиди. Жаҳоннинг кўпгина давлатларида экспонатларимиз намойиш қилиниб, натижада маданий алоқалар янада мустаҳкамланди. Япония, Австрия, Австралия сингари ривожланган мамлакатларда матбуот орқали музей ҳақида материаллар ва телекўрсатувлар берилди.

2004 йилнинг 16 сентябридан 2005 йилнинг феврал ойига қадар Австралиянинг Сидней шаҳрида уюштирилган кўргазма катта муваффақият қозонди. «Яшнаган гуллар» деб аталадиган бу маданий тадбирда газлама ва кулолчилик намуналари намойиш этилди. Кўркам шаҳарнинг Паурхаус музейида очилган кўргазма экспонатлари орасида каштачилик, миллий безак буюмлари, рассомларнинг ноёб асарлари хорижликлар эътиборини тортди.

– Аждодларимиз томонидан яратилган, миллий, ўзига хослигимизни ифодаловчи бой маданий меросимиз намуналари, гўзал ва бетакрор санъат асарлари ҳақида халқаро нуфузга эга «Холи» журнали «Ҳайратланарли кўргазма» деб ёзди.

Музей археология, рассомчилик, қўл ҳунари, хронологик ҳисоб сектори, таъмирлаш, оммавий маърифат ва ташвиқот бўлимларидан иборат. Йирик маданият кошонаси директорининг ўринбосари Гулойим Сайипованинг маълум қилишича, туманлардаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига бепул экскурсиялар ташкил қилинди. Таниқли рассом Ўрол Тансиқбоевнинг 100 йиллиги муносабати билан қизиқарли кўргазма намойиш этилди.

Ҳар ойнинг бир куни ўқув муассасалари учун «Маънавият куни» деб белгиланган. Талаба ва ўқувчилар кўргазмаларни томоша қиладилар, суҳбат ва мулоқотларда қатнашадилар, янги филмларни кўриб, кутубхона хизматидан баҳраманд бўлишади.

Музейнинг сайёҳлар фикр ва мулоҳазалари битилган журнали билан танишамиз. Германия, Франция, Ҳиндистон, Исроил, Япония, Туркманистон давлатлари фуқароларининг қалб сўзларида миллий қадриятларни кўз қорачиғидек асраб келаётган халқимизга тасаннолар айтилган.

Боболаримиз ясаган заргарлик буюмлари, момоларимиз тўқиган каштачилик намуналари, рассомлар қўли билан яратилган гўзал ва бетакрор санъат асарлари кишини мафтун этади.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

## НАВОИЙХОНЛИК

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номидаги Бўстон академик лицейида Алишер Навоий таваллудининг 564 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

Элликқалъа тумани халқ таълими бўлимига қарашли мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этган тадбирда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз юритилди. «Хазойин ул-маоний» асарини ўрганиш бўйича услубий таклифлар муҳокама этилди.

Тадбир доирасида Навоий ижодини ўрганишга бағишланган интеллектуал танлов ўтказилди. Ғолиб ўқувчиларга Навоий асарлари совға қилинди.

*Футбол*

***Футболда мақтаниб бўлмайди. Кутилмаганда панд еб қолиш мумкин. 2006 йили Германияда ўтказиладиган Жаҳон чемпионатига берилган йўлланмалардан бирига эгалик қилиш учун бошланган гуруҳ баҳсларининг биринчисидаёқ бунга амин бўлдик. Ўзбекистон миллий терма жамоаси Саудия Арабистони футболчиларини қабул қилиб, аранг дуранггa эришди.***

# ОЛДИНДА ЯНА БЕШ ЎЙИН...

Ваҳоланки, ушбу матч олдидан меҳмонларимизнинг нималарга қодирликларини унутмаган ҳолда, албатта, ғалаба қозонамиз ва бунинг учун барча имкониятлар етарли, деган ўйда эдик. Шундай фикр юритишга сабабларимиз бор эди-да! Биринчидан, ўйин Тошкентда, катта футболни соғиниб қолган мухлислар қўллаб-қувватлаши остида ўтказилса, қолаверса, об-ҳавонинг совуқлиги иссиқ мамлакатдан келган меҳмонларимизга ноқулайлик туғдириб, билакс, қишли-



қировли кунларда ҳам тўп суришга ўрганиб қолган футболчиларимиз, айниқса, легионерларимизга устунлик берадигандек эди.

Бундан ташқари, илк марта терма жамоамиз тўла таркиб ҳосил қилган ҳолда масъулиятли ўйинга ҳозирлик кўришга муваффақ бўлганди. Киевдан учиб келган Максим Шацкихни қўя турайлик, кўпдан буён соғинтириб келаётган Владимир Маминов ва Олег Пашининларнинг ҳам ўз хизматларини таклиф этиб туришлари мураббийлар учун айни муддао бўлганлигига изоҳ бериб ўтириш ортиқча.

Боз устига, бу ҳам катта аҳамиятга эга, немис мутахассиси Ханс Юрген Гёде расмий равишда биринчи марта терма жамоамизни бош мураббий сифатида майдонга олиб тушмоқда эди. Унинг бу синовдан муваффақиятли ўтиши учун ҳамюртлари Р.Штутц ва Д.Эрих ёрдамга етиб келганлари ҳам, бизнинг тахминимизча, ғалабага бўлган ишончимизни орттириб юбориши керак эди. Афсуски, амалда бундай бўлмади.

Стадион сухандони таркибни эълон қилганидаёқ мухлисларнинг кўнглида хавотир эпкинлари бир эсиб ўтгандек бўлди. Таркибда Миржалол Қосимов ва Александр Гейнрих номлари йўқ эди. Кейин маълум бўлдики, Миржалол касал, Александр эса саралаш матчларида муқаддам иккита огоҳлантириш олганлиги учун майдонга тушолмаган экан.

Буниси ҳам майли, учрашувнинг дастлабки дақиқалариданоқ меҳмонлар Поляков дарвозаси томон ҳужумга ташланиб нафақат мухлисларни, чамаси, футболчиларимизни ҳам ҳайратга солиб қўйишди. Балки шу боисми ёки ҳали яхши спорт формасига кириб улгурмаганлиги панд берибми, Олег Пашинин кетма-кет хатога йўл қўя бошлади. Бу эса, ўз навбатида Николаев ва Ашурматовни янада ҳушёррoқ туришга ундаб, уларга хос ҳужумкорликни бошқа пайтга қолдиришга мажбур этди.

Очиғи, биринчи таймда биз футболчиларимиздан кутган ўйинни кўрмадик. Энди умид қолган 45 дақиқадан эди. Ю.Гёде ҳам танаффусда бу ҳақда ўз фикрини билдирган, ҳужумкор ўйинга даъват этгани табиий. Ҳар ҳолда, иккинчи бўлим аввалгисининг акси бўлди. М.Шацкихнинг бир ўзи камида уч марта гол уриши мумкин эди. Акопянцнинг жарима майдончаси ташқарисидан берган кучли зарбаси ҳам барчанинг ёдида қолди. Лекин ҳар гал тўп саудияликлар дарвозабони Мабрук Зайднинг ўлжасига айланди. Тан олишимиз керак, шу куни ушбу дарвозабон мўъжизакор ўйин намойиш этди.

Сен урмасанг, сенга урадилар ақидасига кўра меҳмонларнинг қарши ҳужумларидан бири гол билан якун топди. Захирадан аргентиналик мутахассис, саудияликлар мураббийи Колдерон томонидан ҳужум чизиғига туширилган Сами ал-Жабр юзага келган қулай имкониятдан унумли фойдаланди.

Дарвозабон билан яккма-якка қолган ҳужумчи тўпни унинг устидан ошириб, ўйинда ҳисобнинг очилишига сабаб бўлди. Бу гол жуда кўпчиликнинг, шу жумладан, ҳимоячиларимизнинг наздида ўйиндан ташқари ҳолатдан туриб амалга оширилди. Лекин ҳакамнинг фикри бошқача эди – у майдон марказини кўрсатди. Бу учрашувнинг 77-дақиқасида юз берди.

Гўё вазиятни тенглаштириш ва ҳатто олдинга чиқиб олиш учун фурсат етарли даражада эса-да, меҳмонлар дарвозабонининг маҳорати барча уринишларни чиппакка чиқариб, Юрген Гёдени туб ўзгаришлар қилишга ундади. Шундай ўзгаришлардан бири – Шишелов ўрнига Солиевнинг майдонга туширилиши хайрли тугади. Ҳакам қўшиб берган қўшимча вақтнинг иккинчи дақиқаси ниҳоялаб бораётган паллада Анвар яқин масофадан кучли зарба билан барча масалага нуқта қўйди. Тўп – дарвозада! Ҳисоб – 1:1. Нима бўлганда ҳам ҳар нечук ўйин сақлаб қолинди. Бу гол мухлисларнинг қалбида сўниб бораётган умид учқунларини яна алангалатиб юборди. Бу гол бутун жамоа саъй-ҳаракатларининг мантиқий натижаси бўлди. Бу гол футбол ишқибозлари тобора ҳурмат қилиб бораётган Юрген Гёдени ҳам қайсидир маънода аччиқ таъна-дашномлардан сақлаб қолди.

Бўсағада яна беш ўйин. Бири-биридан муросасиз учрашувлар. Улар Ўзбекистон терма жамоасининг якуний ҳисобда Германияда бўладиган жаҳон чемпионатига бориши учун жуда яхши имконият. Ўйлаймизки ва умид қиламизки, мухлислар орзуси ушалади ва биз охир-оқибат ниятимизга етамиз.

**З.РИХСИЕВ**



*Турфа олам*

## ТУЯ ЗОТЛАРИ

***Маълумки, туяларнинг икки ўркачли қалмоқи, қозоқи, мўғули ва бир ўркачли туркмани зотлари бор. Гўшти мазали, жуни сифатли, териси пишиқ, бу жониворлар чорвачиликнинг муҳим соҳаси ҳисобланади.***

Республикамиз яйловларида боқилаётган бир ўркачли туядан бир кеча-кундузда 10-15 литр сут соғиб олинади.

Яна шуниси ҳам борки, урғочи туя 12-18 ой сут беради. Туя сутидан сифатли ёғ, пишлоқ ва бошқа сут маҳсулотлари тайёрлаш мумкин.

Туя гўшти ва, айниқса, ёғи биологик хусусияти, витаминларга бой бўлгани учун ҳам энг қадрли озиқ-овқат маҳсулотлари саналади. Тирик вазни 500-800 килограмм келадиган битта туядан 140 килограммғача ёғ олинади.

Туя жуни тўқимачилик саноати учун қимматли хомашё ҳисобланади. Ундан сифатли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Бир ўркачли туядан 2,5-3 килограммгача жун олинади. Туя жуни толаси пишиқлиги жиҳатидан қўй жунидан устунлик қилади. Толаси ингичка ва узун бўлади. Ярим дағал қўй жунига қараганда туя жуни қарийб икки марта қиммат туради.

Туя териси эса кўнчиликда кенг ишлатилади.

**А.АЛИЕВ**

## *Енгил атлетика*

## КИМ ЭПЧИЛУ, КИМ ЧАҚҚОН?

Енгил атлетика бўйича ўтказилган Ўзбекистон кубоги мусобақасида 300 нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Қизлар ўртасида баландликка сакрашда Светлана Радзевил, узунликка ва уч ҳатлаб сакраш бўйича Светлана Климина, турли масофаларга югуришда Замира Амирова, Зарина Абдуллаева ҳамда Нилуфар Асанова биринчи ўринни эгаллади.

Эркаклар ўртасидаги беллашувларда ядро улоқтириш бўйича Дмитрий Попов, югуриш бўйича Олег Журавлев ҳамда Муҳиддин Низомовга тенг келадиган спортчи топилмади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17262 Буюртма Г— 115 1 2 3 4 5